

НАВОИЙ ИЖОДИДА ТАРИХИЙ-ТАСАВВУФИЙ ОБРАЗЛАР

Алишер РАЗЗОКОВ

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти

университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асаридаги тарихий образлар тасаввуфий аспектда таҳлил қилинган. Асардаги тарихий образларнинг генезиси, улар иштирокидаги сюжетларнинг манбалари, тарихий ҳақиқат ва шоир бадиий тўқимасининг синтези каби масалалар ўрганилган.

Таянч сўзлар: Алишер Навоий, образ, тарихий шахс, тасаввуф, бадиий тўқима, сюжет, ҳикоят.

ИСТОРИКО-МИСТИЧЕСКИЕ ОБРАЗЫ В ТВОРЧЕСТВЕ НАВОИ

Алишер РАЗЗОКОВ

доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье исторические образы в поэме «Лисон ут-Тайр» Алишера Навои анализируются с мистической точки зрения. На примере поэмы исследуются такие вопросы, как генезис исторических образов, источники сюжетов с их участием, синтез исторической правды и художественного вымысла поэта.

Ключевые слова: Алишер Навои, образ, историческая личность, суфизм, художественный вымысел, сюжет, легенда.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида 63 та ҳикоят мавжуд бўлиб, 29 тасида тарихий шахслар бадиий образ сифатида тасвирланган. Бу тарихий шахслардан тўрт нафари пайғамбарлар, ўн етти нафари авлиёлар ва саккиз нафари бошқа тарихий шахслардир. Достоннинг асосий қисмидаги ҳикоятларда асосан тасаввуф шайхлари образи тасвирланган. Бу тарихий шахслар ҳақидаги ҳикоятларнинг айримлари тарихий манбаларда, сўфийлар ҳақидаги тазкираларда зикр қилинган бўлса-да, аммо баъзиларида фақатгина уларнинг номигина қатнашган, холос. Ҳикоя сюжети эса Навоий ижодий меҳнатининг маҳсулидир. Масалан, асардаги энг катта ҳикоятлардан бири Шайх Санъон ҳикоятидир.

Ҳикоянинг қисқача мазмуни шуки, тўрт юз муриди куршовида Маккада нашъу намо ичида умр кечириб юрган Шайх Санъон кўрган тушининг таъбирини билиш учун уч кун кетма-кет Рум диёрига келади ва у ердаги тарсо қизга ошиқ бўлиб, ўзлигидан, шайхлигидан воз кечади, тарсо қизнинг шартларини бажаради. Содик бир муридида ихлоли дуоси билан яна аввалги ҳолига қайтади. Эътиборли томони – Навоий бу шахс ҳақида “Насойим ул-муҳаббат” асарида ҳам маълумот берган: “Онинг бузурглигини Ҳазрат Шайх Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” отлиғ китобини ўқуғон киши билур. Ишқ ва муҳаббат баҳрининг гавҳари ва шавқу маломат оташкадасининг самандари эркандур... Бовужуд бу бийик маротиб улча ишқ ошубидин ва муҳаббат лагадқубидин Шайх бошиға тушубдур, анинг абнойи жинсиға йўқим, ҳеч бани одамга тушмаганини ҳар киши “Мантиқ ут-тайр” китобини ўқуса, маълум қилур” [3; 448–449]. “Мантиқ ут-тайр”да эса худди “Лисон ут-тайр”дагидек тафсилотлар келтирилган. Бу сюжетнинг аксар қисми шоирларнинг бадий тўқимаси бўлгани шубҳасиз. Чунки, Шайх Санъон воқеасига ўхшаб кетадиган ҳолат “Насойим ул-муҳаббат” асарида Шайх Рўзбехон Бақлий (ваф. 606 ҳ./ 1210 м.) маноқибиде зикр қилинади. Унда айтилишича, Шайх Рўзбехон Бақлий Маккада яшарди, ногаҳон бир муғанния ишқига мубтало бўлади. Бир муддат ичида пинҳон сақлаб юради, аммо Ҳарам шайхларининг ҳузурига бориб, ҳирқасини эғнидан чиқариб, ортиқ ҳолимда ёлғончи бўлишни истамайман, дейди ва муғанния хизматини ўзига лозим тутади. Муғанния шайхдаги кучли ишқни кўриб, тавба қилади ва ўзи шайхнинг хизматига киради. Шу билан шайхнинг ишқи таскин топиб, яна мажлисига қайтиб ҳирқасини кияди [3; 241–242]. Бу Шайх Санъон ҳолатига жуда ҳам ўхшаб кетади. Навоий балки Шайх Санъон ҳақидаги сюжетни яратганда бу воқеадан материал сифатида ижодий фойдаланган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Достон ҳикоятларидаги сўфийлардан яна бири Боязид Бистомийдир. Асарда бу шахс иштирокидаги икки ҳикоят мавжуд. Тасаввуф ҳақидаги деярли барча тарихий манбаларда Боязид Бистомий ҳақида маълумотлар,

маноқиблар мавжуд. “Насойим ул-муҳаббат” асарида унинг исми Тайфур бин Исо бўлиб, 261-ҳижрий санада (милодий 875 й.) вафот этгани ҳақида маълумот берилади. Бу унинг тарихий шахс деб айтишимизга асос бўла олади. Достондаги ҳикоятда мазмунига кўра, Боязид Бистомий бир куни ойдин кечада хилватидан чиққанда атрофда ўзидан бошқа тирик жонни учратмабди, бунинг сирини билмоқчи бўлиб Аллоҳга муножот қилганидан ғойибдан шундай овоз келибди:

*Ким эрур бу дарғаҳи иззу жалол,
Ҳар киши йўл топмағи йўқ эҳтимол.*

*Шаҳ ҳарими иззининг поёни йўқ,
Ҳар гадо маҳрамлиғи имкони йўқ.*

*Умрлар жон чексалар аҳли талаб,
Бири бу давлатқа етмоқдур ажаб [2; 132].*

Бу ҳикоятга асос бўлган воқеани Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асаридан топдик: “Нақлдорки, бир куни Шайхдан (Боязид Бистомийдан – А.Р.) сўрадиларким:

– Бу мартабага нимадан етишдинг?

Деди:

– Ўғлонлик ҳолимда Бистомдан бир кеча ногоҳ чиқдим. Тунда ой нур сочар, ойнинг ёруғида барча халқ ухлар эди. Шунда Аллоҳнинг сифатини кўрдимким, ўн саккиз минг олам унинг олдида бир заррача эмас. Дарҳол ҳолим ўзгариб, важд ҳосил бўлди.

Дедим:

– Бор Худоё, бунингдек олий даргоҳ нега ҳоли турибди?

Ҳотифдан овоз келдиким:

– Бу даргоҳ шунинг учун холидирки, ер юзида ҳеч ким бу даргоҳга келмоққа лойиқ иш қилмас!

Бас, мен жаҳд қилдим, барча ҳолойиқни тилагайман, аммо хотиримга бу келдиким, шафоат Муҳаммад Мустоафонинг мақомидир. Одоб сақладим. Хитоб келдиким:

– Эй Боязид, сен одоб сақладинг! Бас, мен ҳам сенинг мартабангни улуғ қилдим, отингни бандаларим қиёматгача султон ал-орифин дегайлар” [5; 182–183]. Аммо Навоийнинг шу типдаги тазкираси “Насойим ул-муҳаббат”да бу маноқиб келтирилмаган. Одатда Навоий ўзидан олдинги тазкираларда кўп такрорланган маълумотларни келтириб ўтирмаган, кўп ҳолларда батафсил маълумот олишни истаганлар Жомий “Нафаҳот ул-унс”ига қарасин, дейиш билан кифояланган. Нима бўлганда ҳам, Навоий бу ҳикоятни ёзишда “Тазкират ул-авлиё”даги маълумотдан таъсирлангани шубҳасиздир.

“Лисон ут-тайр” ҳикоятлари орасида тасаввуф тарихидаги машҳур сиймолардан бири, кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубро образи ҳам учрайди. Бу улуғ сиймо 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келган. Унинг асл исми Аҳмад ибн Умар Муҳммад ал-Хивақий ал-Хоразмий бўлиб, “Нажмиддин”, “Кубро”, “Абул Жанноб”, “Валийтарош” сўзлари бу зоти мукаррамнинг лақаб, унвон ва куниятидир. Қайд этиш жоизки, бизнинг ота-боболаримиз улуғ инсонларни мартаба ва даражаларига муносиб равишда улуғ номлар билан шарафлаб тилга олишни одат қилган эдилар. Аҳмад ибн Умарнинг ўз исмини қўйиб, лақаб ва унвонлар билан эл оғзида машҳур бўлишига сабаб шудир [4; 403]. Шайхга “Валийтарош” лақабининг берилишига сабаб шу эканки, у зотнинг муборак назарлари кимга тушса, у одам бу назарнинг баракотидан валийлик мартабасига эришар экан. “Лисон ут-тайр”да ҳам ҳикоят бошида унинг шу сифати тилга олинади:

Шайх Нажмиддин Кубро – қутби даҳр,

Бир назардин кимгаким еткурса баҳр.

Ёрубон нури вилоятдин кўзи,

Ўзлугидин ойрилур эрди ўзи.

Бу сифатда етти ул ерга иши,

Ким вали бўлди кўзи тушкан киши [2; 135].

Ҳикоятда айтилишича, кунлардан бир куни шайхнинг назари бир итга тушади, шунда итнинг ҳам аҳволи ўзгариб, бошқа итлардан ажралиб қолади:

Сукр вақти солди чун бир кун назар,

Ул назардин бўлди бир ит баҳравар.

Ошнолиздин етишти чошни,

Тортиб итлик сийратидин бошни.

Юз қўюб шайх оллида қилди ниёз,

Барча итлар узра бўлди сарфароз.

Ҳар қаён шаҳр ичра қилса эрди майл,

Итлар эрди гирдида андоқки хайл,

Қайда ўлтурса эди итларга шоҳ,

Ҳалқа эрди даврида хайлу сипоҳ.

Ҳатто ит вафот этганида ҳам, уни худди одамлардек дафн этадилар,
итлар унга мотам ҳам тутадилар:

Чун қазодин бошига етти ажсал,

Шайх эшигинда қозибон бир маҳал –

Дафн этиб қабрин намудор эттилар,

Қабрин инсондек падидор эттилар.

Айлаб итлар мотамида кўп фиғон,

Қабрининг даврида туттилар макон.

Достондаги бу сюжетни Навоийнинг ижодий тўқимаси деб бўлмайди, чунки, “Насойим ул-муҳаббат”да худди шундай воқеа баён қилинган: “Бир кун ул Ҳазрат (Нажмиддин Кубро – А.Р.) мажлисида Асҳоби қаҳф аҳволининг тақрири ва таҳқиқи ўтар эрди. Шайх Саъдиддин Ҳамавий қ.с.ки, Ҳазрат Шайхнинг асҳобидиндур, хотирига ўттиким, оё бу умматда андоқ киши ўлғаймуким, суҳбати итга асар қилғай? Ҳазрат Шайх каромот нури била маълум қилдилар ва кўпуб хонақоҳ эшигига бориб турдилар. Ногоҳ бир ит етишди ва қуйруғин тебратадур эрди. Аларнинг мубарак назарлари ул ит сори тушди. Филҳол бахшиш топиб, мутаҳаййир ва беҳуд бўлуб, шаҳрдин юз эворди ва гўристонга мутаважжих бўлди ва бошин ерга суртар эрди. Дебдурларки, ҳар ён борса, келса эрди, эллик-олтмишқа яқин ит они эришиб, ондин айрилмаслар эрди ва қайда сокин бўлса, теграсида ҳалқа уруб, иликларин илик устига қўйиб, ун чиқармаслар эрди ва нима емаслар эрди ва

хурмат била турарлар эрди. Оқибат ул яқинда ўлди. Ул Ҳазрат буюрдиларки, они дафн қилдилар ва қабри бошида иморате ясадилар” [3; 329].

Достондаги тарихий шахслардан яна бири Шайх Абу Саид Абулхайр образидир. Бу шахс ҳақида ҳам “Насойим ул-муҳаббат”да маълумот келтирилиб, унинг ҳақиқий исми Фазлуллоҳ бўлиб, ҳижрий 440 йил (милодий 1049) шаъбон ойида вафот этгани зикр қилинган. “Лисон ут-тайр”да бу шайх кучли бир риёзатга берилган киши сифатида тасвирланган, шу қадарки, ўзини бир қудукқа оёғидан осар, ҳатто кўзларидан қон томар экан:

Осилиб ул чоҳ ичинда сарнигун,

Ишқ истилосидин зору забун.

Тонгга тегру иш анга оҳу фиғон,

Қатра-қатра кўзидин томгунча қон [2; 140].

Шайх ҳаётидаги бундай ҳодиса “Насойим ул-муҳаббат” асарининг муқаддимасида – тасаввуф шайхларининг ўзига хос риёзатлари қаторида тилга олинган: “Ва Султони тариқат Шайх Абу Саид Абулхайр қ.с.ким авойили сулукда алар ҳар кеча бир чохдин бош тўбан ўзларин осар эрмишлар ва тонггача зикр айтур эрмишлар. Ва андоқ бўлур эрмишки, муборак кўзларидин қон келур эрмиш...” [3; 97]. Демак, достондаги ҳикоятга шу маълумотлар асос бўлган.

“Лисон ут-тайр” достонидаги ҳикоятлардан бирида Абу Туроб Нахшабий образи гавдалантирилган. Унда шайх чиройли кийимларига мағрурланган муриди кийин бир риёзат орқали тарбиялагани тасвирланади. Бу қаҳрамон ҳам тасаввуф тарихида машҳур шахслардан бўлиб, Атторминг “Тазкират ул-авлиё”, Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарларида маълумот келтирилган. Жумладан, Навоий унинг исми Аскар бин Ҳасин бўлиб, Хуросон машойихларининг улуғларидан экани, ҳижрий 245 санада (милодий 860 йилда) вафот этганини хабар қилади. Аммо “Насойим ул-муҳаббат”да ҳам, бошқа тарихий тазкираларда ҳам “Лисон ут-тайр”дагига ўхшаш воқеа учрамайди, демак, бу ҳикоятда тарихий асос фақат Абу Туроб Нахшабийнинг номи, холос.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида Шайх Абулҳасан Ҳарақоний номи билан танилган сўфий ҳақида шундай маълумот берган: “Оти Али бин Жаъфардур. Ўз рўзгорининг ягона ва ғавси эрди. Вақтнинг қибласики, замонида рихлат анга эрди... Рихлат ва зиёрат анинг вафотидан сўнгра Ҳарақонинг эврулди, андоки, ул деб эрди. Ул тасаввуф интисобида султон ул-орифин Шайх Абу Язид Бистомийга етар ва онинг тарбияти сулукда султон ул-орифин руҳониятидин. Шайх Абулҳасаннинг валодати Шайх Боязид Бистомийнинг фавтидин муддате сўнградур ва Шайх Абулҳасан тўрт юз йигирма бешда ашурога сешанба кечаси дунёдин ўтубдур” [3; 264–265]. “Лисон ут-тайр” достонида ҳам шу шайх образи иштирокидаги бир ҳикоят бор. Унда шайх билан мурид ўртасида шундай мулоқот кечади: мурид шайтон васваса қилиб, ибодатларига тўсқинлик қилаётганидан шайхга шикоят қилади. Пир эса шайтоннинг ўзи сендан шикоят қилдику, мен одамларни нима билан йўлдан урмоқчи бўлсам, муридингни ўша ишда топдим, қандай мурид тарбия қилгансан, дея таъна қилди, дейди. Мурид шайтон менга тухмат қилибди, дея инкор қилади. Шайх унга шундай танбеҳ беради:

Деди шайх: – «Аҳсанта бу янглиз маош,

Ким санга шайтон била бўлғай талош.

Мен арода бўлгомен ҳукм эткучи,

Ёрғу айлаб, узрунгузга еткучи.

Ҳам санга юз қатла шайтондин уёт,

Ҳам анга сен шуми нодондин уёт» [2; 151–152].

Аммо Абулҳасан Ҳарақонийга доир тарихий манбалардан бунга ўхшаш маноқибни учратмадик, шундай экан, бу ҳикоятда тарихий шахснинг фақат исми асос қилиб олинган.

Иброҳим Адҳам тасаввуф тарихидаги энг машҳур сиймолардан биридир. Тасаввуф адабиётидаги ҳеч бир асар йўқки, унда Иброҳим Адҳам номи тилга олинмаган бўлсин. Деярли барча асарларда унинг Балх подшоҳи бўлгани, илоҳий бир иноят туфайли шоҳликдан воз кечиб, дарвешликни танлагани қаламга олинади. Алишер Навоий ҳам “Насойим ул-муҳаббат”

тазкирасида, “Ҳайрат ул-аброр” ва “Лисон ут-тайр” достонларида Иброҳим Адҳам образини яратган. “Лисон ут-тайр”да унинг Балх ҳукмронлигидан воз кечиб, Нишопурга келгани, у ерда кундузлари рўза тутиб, кечалари ибодат билан машғул бўлиб, биёбонлардан ўтин териб, шунинг ҳисобига кун кечириши тасвирланади:

*Онда Султон сойимуд-дахр эрди кун,
Ул сифатким қойимул-лайл эрди тун.
Жамъ этиб водийда кундуз хасу хор,
Бир қучоқ боғлар эди мардонавор.
Эғнига боғлаб бориб бозорга,
Сотар эрди шом учун ифторга [2; 175].*

Бир куни у одатига кўра ўтин орқалаб келаётганида замон кутблари уни имтиҳон қилиб кўриш учун бўйнига бир мушт туширдилар. Иброҳим Адҳам, сизлар мендан истаётган нарсa Балхда қолган, деб жавоб беради:

*Урди бир юмруғ бири бўйнига руст,
Деди ул фақру фано таврида чуст.
Ким: «Ониким сен тилайсен қолди ул,
Балхдин мен бу тараф тутқонда йўл».*

Уни синамоқчи бўлганлар, бу ҳали ҳам хом эканку, Балхни эсидан чиқармабди, дейишибди. Маълум муддатдан сўнг Иброҳим Адҳамни учратиб яна шу тарзда синаб кўришибди. Аммо бу сафар ундан бирор овоз чиқмабди. Шунда синовчилар унинг сулукдаги иши ниҳоясига етганини тушунибдилар. “Тазкират ул-авлиё”да ҳам, “Насойим ул-муҳаббат”да ҳам Иброҳим Адҳам ҳаётидан айнан шундай воқеа баён қилинмаган. Аммо Фаридиддин Аттор “Тазкират ул-авлиё”да худди шу ҳикоятда айтилганидек, Балхдан Нишопурга келгани, бир ғорда яшаб, ибодат билан машғул бўлгани, пайшанба кунлари ўтин йиғиб, жума кунлари уни Нишопур бозорида сотгани, пулига нон олиб, ярмини дарвешларга садақа қилиб, ярмини ўзи егани ҳақида нақл қилган [5, 112]. Демак, синов ҳодисаси кейинчалик тасвувий асарларда бадий тўқима сифатида яратилган. Навоий ҳам бу сюжетдан ижодий фойдаланган.

Достондаги навбатдаги тарихий шахслардан бири Хожа Муҳаммад Порсо образидир. Бу инсон Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдларидан бири бўлиб, ҳақиқий тўлиқ исми Муҳаммад бин Муҳаммад бин Маҳмуд Ҳофиз Бухорийдир. “Порсо” эса унинг лақаби бўлган. Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги қуйидаги байтлари ҳам бунга ишорат қилади:

*Ҳақ йўлида хожаси қудсий жаноб,
Роқими “Қудсия”у “Фаслул-хитоб”.
Наъли изи гунбади давворсо,
Улки лақаб келди анга Порсо [1; 289].*

Унга бу лақабнинг берилиши билан боғлиқ воқеа Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳот” асарида хабар берилишича, бу лақабни Хожа Муҳаммадга устози Баҳоуддин Нақшбанд берган: “Мабодийи аҳволдаким, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)нинг мулозаматларини оғоз этдилар, бир куни риёзат ва мужоҳадот асносида Ҳазрати Хожанинг уйларига келиб эрдилар. Ва эшикдан ташқарида мунтазир турдилар. Иттифоқан, Ҳазрати (Хожа)нинг ходималаридан бир канизак ташқаридан ичкари кирди. Ҳазрат Хожа ондин сўрдилар: “Ташқарида ким бор турур?”. Ул ойтибдур: “Бир жавони порсоким, эшикда мунтазир турубдур”. Ҳазрати Хожа ташқари чиқдилар. Ва Хожа Муҳаммад (Порсо)ни кўрдилар ва ойдиларким: “Сиз Порсо (дарвиш) эркансиз”. Ул кундин сўнгғачаким, бу лафз Ҳазрати Хожанинг муборак тилларига жорий бўлди алсинаи афвоҳга тушуб, хизмати Хожа Муҳаммад бу лақаб бирла машҳур бўлдилар” [6; 86].

Ҳикоятда Хожа Муҳаммад Порсонинг ҳаж зиёратига боргани тасвирланган, ҳожилар ундан дуо қилишларини сўраганда, у бу ишни ўғли Абу Насрга топширади. Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида ҳақиқатан ҳам Хожа Порсонинг ҳижрий 822 йил (милодий 1419 йил) ҳаж сафарига борганлиги ҳақида маълумот берган, аммо ҳикоятдагидек дуо қилиш тафсилоти мавжуд эмас.

Абдуллоҳ Ансорий (1005-1093) тасаввуф тарихидаги энг машҳур кишилардан биридир. “Лисон ут-тайр”да у билан боғлиқ икки ҳикоят мавжуд.

Аммо улар ҳикоятдан ҳам кўра Абдуллоҳ Ансорийнинг панд-насихатларидир. Аммо Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Абдуллоҳ Ансорий маноқиби ҳақида маълумот берилган бўлса-да, дostonдаги айтган сўзлари келтирилмаган, балки бу сўзлар олимнинг бирор асаридан олинган иқтибос бўлиши ҳам мумкин.

Достон ҳикоятларидаги тарихий шахслардан яна бири Абу Саид Харроздир. Фаридиддин Аттор ўз тазкирасидаси унинг фақат маноқибига кўпроқ ўрин ажратган, таржимаи ҳоли ҳақида маълумот бермаган. “Насойим ул-муҳаббат”да қисқача бўлса ҳам таржимаи ҳоли келтирилган, жумладан, унинг ҳақиқий исми Аҳмад бин Исо, “Харроз” унинг лақаби экани, хижрий 286 (милодий 899) йилда вафот этгани ҳақида маълумотлар берилган. Аммо ҳар икки манбада ҳам Харроз ҳақидаги “Лисон ут-тайр”даги ҳикоят мазмунига ўхшаш воқеа баён қилинмаган.

Хуллас, “Лисон ут-тайр”даги ҳикоятларнинг кўпчилигига тарихий шахслар образи тасвирланса-да, аммо улардаги воқеаларнинг ҳаммасини ҳам тарихий асоси бор, деб бўлмайди, Навоий уларнинг баъзиларини сайёр сюжетлардан, баъзиларини эса ўша тарихий шахсларнинг маноқибларидан ёки асарларидаги ҳикматли сўзлардан олган. Чунки, дostonдаги кўпчилик ҳикоятларда сюжет эмас, балки маълум тарихий шахснинг тасаввуфга доир ҳикматли сўзлари баён қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Навоий, Алишер. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 6-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011.
2. Навоий, Алишер . Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 9-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011.
3. Навоий, Алишер. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 10-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011.
4. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр–Ўзбекистон, 2009.
5. Фаридуддин Аттор. Тарзкират ул-авлиё. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2013.

6. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004.